

# ЖАМЛҲ СЎЗИ


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 29 март  
Сотувда эркин нархда  
№ 63 (2625)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

## Мавсум муваффақияти деҳқон қўлида



Жиззах туманида пахтадан мўл ҳосил олиш учун пухта тайёргарлик кўрилмақда. Туман деҳқонлари жорий йилда 28 минг 500 тонна оқ астин етиштиришга аҳд қилишган. Айни пайтда далага барака уруғи қадалмоқда.

Майдон пахтачиликка мўлжалланган бўлиб, экиш ишларида 10 та севкадан унумли фойдаланилаётми.

СУРАТЛАРДА: Ҳамид Олимжон номли ширкат хўжалигида чигит экиш жараёнидан даҳалар.

Баҳром Тўраев (ЎЗА) олган суратлар.



## Олий Мажлисда

### Ер ости бойликлари

унга эътибор Қашқадарё вилоятида қай аҳволда?

Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг йиғилишида «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуннинг Қашқадарё вилоятидаги ижроси ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштиришга доир масалалар муҳокама қилинди. Уни қўмита раиси К.Жумабеков олиб борди.

Йиғилишда айтилганидек, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуннинг вилоятда ижро этилиши борасида бир қатор амалий чора-тадбирлар амалга оширилган. Лекин бу камчиликлар йўқ экан-да, деган маънони аналитиклар билан. Масалан, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Саҳноатконтехназорат» агентлиги, идоралар, давлат концернлари ва уюшмалари ҳамда тоғ-кон, нефть-газ қазиб чиқарувчи мажмуа корхоналарининг амалдаги қонуннинг ижроси эътиборида фаолиятда жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Бу эса ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни кучайтириш зарурлигини таъкидламоқда.

Йиғилишда қайд этилганидек, мулкчилик муносабатлари, тадбиркорликни ривожлантириш, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш, табиат бойликларидан фойдаланишнинг иқтисодий механизми, иқтисодиётини қайта қуриш ва қулай инвестиция муҳитини яратиш соҳасидаги туб ўзгаришлар «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуннинг айрим меъёр ва қондаларини тақомиллаштиришни хун тартибига қўйяпти. Шу боисдан йиғилиш қатнашчилари маъмур қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини тайёрлаш ва уни Олий Мажлис сессияси муҳокамага киритиш хусусида ҳам гапирди.

Иккинчи масала юзасидан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Ҳ. Шеримбетовнинг ахбороти тингланди. У табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат ва тармоқларро бошқарувни амалга оширишда асосий эътибор «1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури»да қўзда тутилган тадбирларни амалга оширишга қаратилганлигини таъкидлади.

Берилган маълумотларга қараганда, 1999-2000 йиллар давомида тугалланган режалаштирилган 15 та тадбирнинг 12 таси бажарилган. Лекин бу билан мақтангиш асло ярамайди. Чунки инвестиция қўйилмаларнинг етарли эмаслиги Дастурнинг тўлиқ бажарилиши суриятларига таъсир этиши мумкин. Ҳозирнинг ўзидаёқ айрим лойиҳа ва баъдларнинг бажарилиши бўйича оқшайларга йўл қўйилмоқда.

Йиғилишда, қўриб чиқилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Музаффар НОРМАТОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Фаргона водийсининг наҳрларидан бири — Қарқидон сув омборига олиб борадиган йўлни икки четидан манзара бугун лол қолдиради. Икки наҳрлар бири-бирига тугишиб кетган бодом, ўрик, олчапар қийғос гуллаган. Бу боғларнинг ўз тарихи, ўз номи бори. «Фахрийлар» боғи, «Хотира» боғи, «Қамолот» боғи... «Жалқ сўзи» номидида кўркамгина боғ эса дилларга ажиб шукҳ ва қувонч бағишлайди.

## Боғимизда шивирлар...

«Жалқ сўзи» боғининг ташкили этилганга 10 йил тўлди

1991 йилнинг Наврўз кунлари эди. «Жалқ сўзи» газетасининг Фарғонадаги мухбирлар қўналмасига қувалик машхўр деҳқон Музаев ака Шермбетов таширф буюриб, хўжаликнинг фойдаланилмаётган ерларида янги боғлар бунёд қилинаётганини, жамоа аъзолари шу боғлардан бирига «Жалқ сўзи» газетаси номини беришмоқчи эканлигини айтиб қолди.

Биз, фарғоналик бир гуруҳ ижодкорлар ўша кунёқ Қува туманининг Бетак қишлоғига йўл олдик. Таомилга қўра, отахонларнинг фатвоиси билан саккиз гектарлик янги боғқа «Жалқ сўзи» номи берилди.

Мана, 10 йилдирки, бу боғдаги ҳар бир дарехтин Мўйдинжон ота Ортинк ўз фарзандий эътибор, парварлишга келмоқда. Машхўр боғбон ҳар бир дарехтиннинг қачон экилганлигини, қайси йилда қанча мева беришини яхши билади.

Нобжон СОБИР, «Жалқ сўзи» мухбири.

## Ўзбекистон-Германия: ҳамкорлик уфқлари

### «Ломан-Терсухт» хазинаси

Инвестицияларни излаб топиш, бўлғуси сармоядорлар билан алоқа ўрнатиш, қўшма корхоналар очиш, сармоядорлар учун қўлай шарт-шароит яратиш бериш ҳуқуқидан тортиб хўжалик юритувчи субъектларга — ҳаммамизнинг умумий ишчимизга айланиши лозим.

Ислом КАРИМОВ.

Бугун Самарқанд туманида айнан ана шу талаблар асосида иш юритилмоқда. Бу ерда биринчи навбатда қишлоқда саноатни ривожлантириш, хорижий сармоядорлар билан алоқаларни мустақамлашга эътибор қаратилмаётми. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар фикримизнинг далилидир.

Биз хорижий шерик сифатида Германиянинг «Ломан-Терсухт» фирмасини танладиқ, — деди тумандаги «Оҳалик-Ломан-Парранда» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг бош директори Бозорбой Рустамов. — Бундай йўл тутишимизнинг сабаби шунки, дунёдаги энг насли паррандалар маъмур фирмага етиштирилди. Шу боис «Ломан-Браун» зотли ҳўжаларни олиб келдик. Улар қандай самара бериши?

Илгари йилга ўзимизнинг маҳаллий туюқлардан 180-200 талдан тухум олардик. Ҳозир бу кўрсаткич 300 тага етди. Айни чоғда республикамиздаги барча паррандалар фабрикалари тухум насли тухум ва ҳўжалар етказиб берапмиз.

Паррандачилик — етти хазинанинг бири, дейишди. Қўшма корхонада ишлаб чиқариш ҳамма йилдан-йилга ошиб бораётми. Агар 1998 йилда 78 миллион донна тухум олинган бўлса, 2000 йилда 83 миллион донна тухум ва 520 тонна парҳез гушт етиштирилди. Рентабеллик

даражаси эса 39 фоизни ташкил этиди.

Жорий йилда қўшма корхонага 5 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдорда сармоя киритилиши режалаштирилмаётми. Бу маблагга замонавий асбоб-ускуналар ва технологиялар сотиб олинди. Натижада келгуси йилдан бошлаб корхонада йилга 100 миллион донна тухум етиштиришга эришилди. Бугун эса корхонада 550 нафар ишчи ишламоқда. Уларнинг ҳар бири ойига 25 минг сўмдан иш ҳақи олаётми. Шу билан бирга, ишчиларга бепул гушт ва тухум берилаётми. Бундай имтиёздан шу ҳудудда яшаётган уруш қатнашчилари ҳам фойдаланмоқдалар. Қўшма корхона жамоаси, шунингдек, Оҳалик қишлоғидagi 30-ўрта мактабни ҳам оталикқа олган.

Президентимиз таъкидлаганидек, биз янги аср, янги мингйилликка қадам қўйдик. Янги юзйилликнинг биз учун қандай бўлиши 2001 йилда олимизда турган вазифаларни нечоғли адо этишимизга боғлиқ. «Оҳалик-Ломан-Парранда» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси жамоаси бутун ана шу эъзу ният йўлида ҳамжиҳатлик билан ишламоқда, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш мақсадида янги-янги имкониятларни ишга солимоқда.

Абдурашул САТТОРОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

## Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Туркия Буюк миллат мажлиси Раиси Умар Изги раҳбарлигидаги делегация 27 март кун қадимий Бухорода бўлди.

Арқ. Пойнт Калон мажмуи, Токи Саррафон, Лаби ҳовуз мажмуи каби тарихий обидалар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Ноҳир Девонбети мадрасасида Бухоро хўнарамдари, қандоқорлари, заргару зардузлари ташкил қилган кўргазма ҳам Туркия парламент делегациясида чўқур таассурот қолдириди.

Меҳмонларга истиқдол йилларида Бухоро Шарифининг янада чирой ояётгани, жумладан, 2500 йиллик юбилейи арафасида ундаги дярли барча

## КАДРИЯТЛАРИ КАДР ТОПАЁТГАН ЮРТ

йирик тарихий обидалар қайта таъмирлангани ҳақида маълумот берилди. — Марказий Осиёдаги энг катта саждаҳ — Масжиди Калоннинг таъмирлангани, бу хайрли ва савоб ишлар бошида Президент Ислом Каримов тургани бизни тўлқинлантириб юборди, — деди журналистларга берган интервьюсида Туркия парламенти раиси Умар Изги. — Миллий қадриятлари эъзозланган юртнинг келажаги ҳам парлоқдир.

Шу кун Туркия делегацияси юртимизнинг яна бир гўзал шаҳри — Самарқанд зияратига ҳам бўлди.

(ЎЗА).

## Комчиликка ундаовчи куч

Конституция — менинг тақдиримда



Бу — ўзи-ку халқ тилида минг-миг йиллардан буюн ишлатилвериб, сайқалланган кетган бир гап. Лекин шу ўта оддий ҳақиқатни баралла, ҳеч қимдан қўчмай, ҳеч нарсадан оёғин қалтирмай, динг айтиш учун ҳам дунё — мустақил, фуқаро — эркин шахс бўлиши керак.

Очиги, ўн йил бурун бу сўзларни эзиш у ёқда турсин, аксариятимиз шундай фикр-лашга ҳам кўрқар эдик. Истиқлолимиз, энг аввало, ичимизга кириб олган ана шу кўрқувни йўқотиш — юрғимиздан сийриб ташлади.

Чунки Президентимиз эски тузумдан батамом воз кечилганини, бозор иқтисодиётига асосланган ривожланишнинг ҳуқуқий демократик жамият ва давлат барпо этишга киришганимизни истиқлолимизнинг ўзи билан бирга — ўша тарихий кунда, 1991 йилнинг 31 августидек эълон қилди.

Энди бунинг кафолати бўлиши керак эди. Шунинг учун янги давлатнинг энг биринчи вазифаси сифатида дарҳол ва жалаб суръатда Ўзбекистон Республикасини Конституциясини қабул қилиши ишга киришилди.

1992 йилнинг 8 декабри, ҳеч шубҳасиз, истиқлол сарф дартарининг 1991 йил 1 сентяб-

ридан кейинги энг муҳим саҳифасини ташкил этади.

Одамозда асрлар мобайнида ривожлана-ривожлана жамиятни фақат ва фақат қонунлар орқалигина адалолати тарзда бошқариш мумкин, деган фикр-га аллақандон келиб булган. Дунёда бунинг намунасини кўрсатаётган, қонун устуворлигига эришиб яшаётган ва тарққийнинг юксак чўққилари ва халқлар оз эмас. Жаҳон бизга шу энг юксак даражани кўзлаётган, шунга бел боғлаган халқ сифатида қарай бошладим. Биз шунга лойиқмик.

Янги йил, янги аср, янги мингйиллик кириб келди. Хўш, Ўзбекистон бу йил, бу аср, бу мингйилликни қайси муҳим вазифаю адо этиш билан бошлайди? Ўз-ўзимизга шундай савол беришга ҳақимиз.

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакатимизда

### Ғолибга журналистлар соврини

«Шоҳрух» клубида ўтказилган байрамлоди турирининг ташкилловчиси Наманган вилояти телевидеокомпанияси бўлди. Олтинши тўрт катта устидоги ҳажжонли баҳсларда еттидан еттиши ёшгача бўлаган ҳаваскорлар маҳоратини ишга солишди.

Энг кўп очко тўплаб ғолиб бўлаган клуб ҳодими А. Жўраев бош соврин — телевизион эҳси бўлди. Институт талабаси Ш. Раҳимов ва 11-синф ўқувчиси Б. Холмирзаевлар эса гилам ҳақида шахмат тақдими билан тақдирландилар.

Иш билганга минг танга Утган йил Сурдари вилоятида ўрта ва кичик бизнес учун 2735 миллион сўм, шу йилнинг икки ойи ичидо эса 102 миллион сўм кредит ажратилди. Вилоят биржа марказида яқинда ўтказилган

### Онажонлар учун туҳфа

Фарғона туманидаги «Бўғирок» болалар боғчасининг жаҳжи тарбияловчилари онажонлари учун ажойиб совга ҳозирладилар. «Жажжи билангонлар» тавлови иштирокчилари — 7 қизалоқнинг дастурхон тузиши, тугма қадаш, рақс, шеър ижро этиш борасидаги маҳоратлари синодани ўтказилди.

Ҳакамлар ҳайати қарори билан етти иштирокчи қизалоқларга ўзларига хоc баҳо берилди. Энди боғчада Гулаёга — зукко, Шаҳнозага — назанда, Шоҳсанамга — латофатли, Инобатхонга — билимдон, Роҳатойга — доно, Шоҳрехонага — сузаа, Нишурарга — жоизбала қиз сифатлари қўшиб айтилаётган бўлди.

## Чоршанба хабарлари



Янгиликлар, воқеалар, далиллар

### Психологлар ҳамкоримиз

Пойтахтда «Ўзбекистон Психологлари уюшмаси» тузилди. Ташкилот Давлат педагогика университети муассислигида ташкил этилган ушбу уюшмага психология фанлари доктори Ғайрат Шоумаров президент этиб сайланди. Уюшма мулкчилик туридан қатъий назар барча меҳнат жамоалари ҳамда аҳолига марказлашган психологик хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида тузилган. Айни пайтда уюшманинг вилоят ва шаҳарлар бўлиналари тузиш ҳаракатлари бошлаб юборилди. Шунингдек, университет қошида курслар, семинарлар ўтказиш, психологияни ўрганишга йўналтирилган доимий мактаблар ва клублар ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Мавжуда ХОЛМАТОВА, «Жалқ сўзи» мухбири.

### Пойтахтда

## Ер юзидо

### Бушга тавсия қилинди

АҚШ президенти Жорж Буш Корея яриморалидаги вазиятни барқарорлаштиришга кўмак бериши керак. Мамлакатнинг халқаро муносабатлар бўйича кенгаши шундай тавсия билан чиқди. Тавсия сўбат бобода янча обрив бўлаган бу ташкилот Оқ ўй раҳбарига мактуб йўллаб, уни Шималий ва Жанубий Кореяни яраттиришга иштирокчи қарорди. Мактубда таъкидланганича, айни пайтда бу икки давлат ўртасида бўжудо келган нисбатан илк муносабат нафақат маъмур аржиро-роқда, балки бутун Шимол-шарқий Осиё минтақасида барқарорликни мустақамлашга имкон бермоқда.

### Собик мансабдорлар жазоланмоқда

Сербия социалистлар партиясининг етти нафар мансабдор аъзоси бир ойлик қамоқ жазосига ҳўки қилинди. Уларнинг барчаси мамла-

катда Сабодан Милошевич ҳуқуқсизлик ҳақин йилларда ҳазимат вазифини сувиствал муқамаланида айбонлишти. Жумладан, партия раҳбарларидан бири Урош Шувкович С.Милошевичнинг сайловдаги кампаниясида сарфлаш учун вождонга хизматидан қатъий назорат пул олган. Жаҳоза тортилаганлар ишлари Югославия ташқи ишлар вазирлигида ва бошқа давлат тузилмаларида юқори мансабларни эгаллаб турган.

### Уммон учрашуви самара берармикан?

Бугун Норвегия пойтахти Уммонда араб давлатларининг навбатдаги саммити йўналди. Унинг кун тартибидан араб дунёси олдига турган талаб халқаро уммон ва минтақавий масалалар урин олган. Энг муҳим ва долзарб муаммо сифатида эса Исроил-Ҳафтистини муносабат муҳокама этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, эски, ақмо муҳим ҳисоблангани Ироқ масаласи ҳам кўндаланг турибди. Саммит қатнашчилари Ироққа қарши халқаро жаҳо чораларини беқор қилиш бўйича ҳаракатни янада кучайтириш, бутун араб дунёси, қолверса, халқаро ҳамжиҳатини ҳам бу борада фаоллиқи ундамоқчи бўлади.

## Долзарб мавзуда суҳбат

— Аввало, касалликнинг қайси ҳайвонларда учраши тўғрисида батафсилроқ маълумот берсангиз? — Оқсим (ишчур) қорамоллар, қўй-эчкилар, чўчка, туя ва ёввойи қўш тўқди ҳайвонларда учрайдиган ўта юқумли, оғир кечадиган вирусли касаллик бўлиб, унга одамлар ҳам чалиниши мумкин. Касаллик белгилари асосан иситма кўтарилиши, ҳайвонлар оғиз бўшлиғидagi ишлақ парда, елин сўриқчилари ва тўқлар оралиғида майда пу-

## Оқсим хавфли касаллик

Унинг кириб келмаслиги учун зарур чора-тадбирлар кўрилмақда

Европанинг бир қатор мамлакатларида, шу жумладан, Буюк Британия, Францияда чорва моллари ўртасида тарқалган оқсим (ишчур) касаллиги ва унинг инсон саломатлиги учун келтириб чиқариши мумкин бўлаган хушқўйқатлари, мана, икки-уч ой бўлдики, барча оммавий ахборот воситаларининг таққат марказида турибди.

Хўш, оқсимнинг ўзи қандай касаллик? Унинг тарқалишига йўл қўймасликнинг имкони борми? Республикашимиз ҳусусан, пойтахтимиз аҳолисини бундай хавф-хатардан ишончли тарзда муҳофаза қилишнинг чора-тадбирлари кўриляптими? Ташкилот шаҳар давлат ветеринария бошқармаси бошлиги Мухсин ХАСАНОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда.

фақталар (афталар) пайдо бўлиши билан намоён бўлади. Унинг одамларга касал молларни парварши қилиш пайтида эки уларнинг хом сутини истеъмол қилиш орқали юқилиш кузатилади.

(Давоми 2-бетда).



## Банклар — иқтисодиёт таянчи

**XX асрнинг сўнги йилда мустақил мамлакатимиз иқтисодиёти, ижтимоий, сиёсий соҳаларида барқарор ва изчил тараққиёт давом этди. Қишлоқда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда аниқ вазифаларни белгилаб олган «Фаллабанк» тизими ходимлари Президентимиз, Вазирлар Маҳкамасининг банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш тўғрисидаги фармонлари ва қарорларни рўйга чиқариш йўлида муайян марраларга эришмоқдалар.**

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги тадбирлар тўғрисида»ги Фармони банкларнинг нафақат тадбиркорлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ишларини, балки уларнинг кредитлаш механизмининг такомиллаштирилган ҳолда амалиётга таъбиқ этиш, аҳоли бўш маблағларини омонатларга жалб этишнинг самарали ҳамда рағбатлантирувчи имкониятларидан фойдаланиш, банк соҳасида самарали бошқарув тизимини шакллантириш борасида ниҳоятда муҳим йўналишларини белгилаб берди. 2000 йилда банк фаолияти тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида асосли лойиҳаларни кредитлаш ёрдамида маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш, янги иш ўринларини яратишларига амалий ёрдам беришга қаратилди. Бу билан биз янги ички маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик ва ўрта тадбиркорлар, фермер ва деҳқон хўжаликларини улушини кўпайтириш юзасидан ҳукумат томонидан белгилаб берилган муҳим иқтисодий таъбирини бажаришда фаол иштирок этишга ҳаракат қилдик. Йил давомида миқозлар сони фақат тадбиркорлар ҳисобига қарийб 1500 тага кўпайган бўлиб, 2001 йил 1 январ ҳолатига уларнинг сони 23709 тани ташкил этди. Йил давомида банк ва унинг жойлардаги филиал ва бўлимлари ўз ҳисоб-вақфларига эга бўлган 5000 га яқин турли фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорларга самарали хизматни йўлга қўйди. Кичик ва ўрта тадбир-

ликни давом эттирдик. Асосий эътибор миқозларни кредит каби қўшимча молиявий маблағларга бўлган эҳтижларини ўз вақтида қондиришга қаратилди. Бу миқозларнинг истеъмол бозорини керакли маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали тўлдиришда фаол қатнашиш имконини берди. Ўз навбатида банк активларидан самарали фойдаланиш, кредитлаш доирасини кенгайтириш ва банк активларининг таркибини янада мукамаллаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирла-

ларнинг қимматли қоғозлар бозоридagi бирламчи бозорда қисқа вақт ичида жойлаштирилиши натижасида эришилди. Банкнинг барча филиал ва бўлимлари 2000 йилни фойдал билан яқунла-

Банк ресурс базасини кенгайтириш юзасидан амалга оширилган дастурида аҳоли ва юридик мақомга эга бўлган шахсларнинг вақтинча бўш пул маблағларини депозитларга жойлаштиришдек муҳим йўналишга алоҳида эътиборни қаратмоқда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини омонат-



# «ФАЛЛАБАНК»: ИСЛОҲОТЛАРГА ҚАНОТ

ри тўғрисида» ги қарорига мувофиқ белгиланган тадбирлар асосида амалга оширилди.

Натижада, кредит хизматида турли мулк шаклидаги хўжалик субъектлари эҳадга кичик ва ўрта бизнес ҳамда баҳраманд бўлишди. Айни пайтда кредит қўйилмалари таркибида ўрта ҳамда узок муددатли кредитлар салмоғи ортиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида берилган ўрта муددатли кредитлар ҳажми қарийб етти баробар ортди. Банк активларининг умумий миқдори йил якунида 52,9 млрд. сўмни ташкил қилган ҳолда, йил давомида 1600 дан ортиқ миқозларга жами 60,3 млрд. сўмлик кредит ажратилди, йиллик кредит айланма ҳажми эса 129,1 млрд.сўмга етди. Активлар ичида қарийб 95 фоизи фойдала келтирилганларини ташкил этди. Барча кредит қўйилмалари I даражали рейтингга эга бўлганлиги сабабли банк активлари янши,

ларнинг қўшимча молиявий маблағларига бўлган талабларини янада тўлақон қондириб боришдан иборат қилиб белгиланди. Маблағлар дон этиштирувчи ҳамда у билан боғлиқ тармоқларнинг ҳосилини бўнақлаш, уни этиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналари билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш ва маъмул корхоналарнинг молиявий аҳолини мустаҳкамлаш билан боғлиқ мақсадларга йўналтирилмоқда.


Бозор иқтисодиёти шароитига хос соғлом рақобат ҳар қандай банк каби бизнинг жамоадан ҳам ўз ресурс базасини кенгайтириб боришни, уни энг муҳим устувор вазифа сифатида бажаришни тақозо қилмоқда. Жумладан, ўтган йил мобайнида банк капитали мутаносиб равишда ошириб берилди, банк умумий капитали 45 фўнга кўпайтирилди. Бунга асосан олинган соф фойда миқдорининг кўпайиши ва чиқарилган акция-

асосий тадбирлардан бири банк фаолиятини тўла ташқи аудит текширувдан ўтказиш қилиб белгиланган. Ўтган йилги молиявий натижалар буйича Европадаги энг нафузли компаниялардан бири «ПрайвотерхаусКурперс» банк бухгалтерия ҳисобининг ҳолати ва молиявий ҳисоботларини жаҳон андозаларига мос келиши буйича ижобий ҳулоса берди. Айни вақтда, бу бугунги кунда Ўзбекистон банклари қўллаётган миллий бухгалтерия ҳисобининг умумий ҳолатига ҳам берилган ижобий баҳоқдор.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, катта ҳажмдаги ахборот тизими ва технологиянинг тез ўсиб бориши юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни янада ошириб бораверади. «Кадрлар ҳамма нарсани ҳал қилади», деган широр дунёдаги қўллаб-қувватланган мамлакатлар томонидан қабул қилинган ва бизда ҳам ҳаётий тадқиқини топган. Банкнинг бу борадаги иш усули республикамизнинг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига асосланган бўлиб, бу борадаги ишлар келажакни кўзлаб олиб борилмоқда. Пировадидда ҳар бир ходимга шахсий ва касб ҳақдан ўз имкониятларидан муайян фойдаланишга шароит яратилмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, банк эришган бугунги натижалар ҳамда ютуқларда авваламбор акциядорлар, барча миқозларнинг ҳиссаси катта, деб ҳисоблаймиз ва улар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни янада ривожлантираверамиз. Жорий йилнинг 16 февралда Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунига бағишланган мажлисида мамлакатимиз Президентини 2000 йилга ҳолис баҳо бериш билан бирга эришилган натижаларга ҳақдан зиёд маҳиё бўлмастик кераклигини уқтирдилар. Ушбу вазифаларни дастуриламал сифатида белгилаб, барча имкониятларини уларни бажаришга йўналтириш асосида акциядорларга манфаатли ҳамкорлик ва илҳомларга янгидан-янги хизматларни тақдир этиш, фаолиятимиз доирасини кенгайтириш борасида изчил иш юритамиз. Хуллас, Ватанимиз мустақилигининг 10 йиллиги нишонланганидан 2001 йилни муваффақиятлар йилига айлантириш учун барча имкониятларни ишга соламиз.

**Икромжон ҲАМИДОВ,**  
республика  
иқтисодшароити  
акциядорлик-тижорат  
банки — «Фаллабанк»  
бошқаруви раиси.



### Сўз — акциядорларга!

Ўтган йилги сув танқислиги сабабли қишлоқ хўжалигида мураккабликлар туғилди. Ҳаётнинг ўзи фаолиятимизни тубдан қайта қўриб чиқиб ишлашни тақозо этмоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, тармоқ тақдирини, муҳим ижтимоий, иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши, пировад натижада мамлакатимиз озиқ-овқат таъминоти бу борадаги ишларимиз кўлами ва самардорлиги билан боғлиқдир.

### КРЕДИТ ҚЎЛ КЕЛДИ



қилмоқчимиз. Маълумки вилоятимиз уруғлик бугдой этиштиришга иқтисодлашган ва республикамиз галла этиштирувчи хўжалиқларига сараланган уруғлик етказиб бериши. Уруғлик бугдойини тайёрлаш учун бошқа бугдойга нисбатан 2-3 баробар кўп маблағ сарфланди. Ўтган йилда «Фаллабанк»нинг вилоят филиали томонидан Олтинқўл туманида 40 минг тонна уруғлик бугдойни сақлайдиган омондор куриш учун 300 миллион сўм, уруғлик бугдойини дориланда керак бўладиган «Раксил» кимёвий препаратини сотиб олиш учун 485 миллион сўм кредит маблағи берилди. Кредит маблағларидан умулми фойдаланилганлиги натижасида уруғлик ўз вақтида тайёрланиб, мудатда истеъмолчиларга етказиб берилди. Бундан албатта, «Фаллабанк» ходимларининг ҳам катта ҳиссаси бор.

**Баҳромжон ЖАЛОЛОВ,**  
«Анджидонмаҳсулотлари»  
ҳиссасдорлик  
ушумаси раиси, Олий  
Мажлис депутати.

## «ФАЛЛАБАНК» РИАТБ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

	31.12.1994й.	31.12.1995й.	31.12.1996й.	31.12.1997й.	31.12.1998й.	31.12.1999й.	31.12.2000й.
<b>I. Банк активлари</b>	<b>1 449,3</b>	<b>7 528,2</b>	<b>10 709,0</b>	<b>34 589,3</b>	<b>27 206,1</b>	<b>54 723,7</b>	<b>52 962,9</b>
кредит қўйилмалари	410,6	2 776,7	4 554,6	14 794,2	24 987,3	51 650,4	43 403,0
саноат	362,0	2 447,9	4 015,2	13 042,3	21 467,6	48 459,3	38 263,3
қишлоқ хўжалиги	2,6	19,6	32,1	104,4	10,4	31,5	306,3
курулиш	1,0	1,1	1,8	5,9		26,1	17,3
транспорт ва коммуникация	0,5	1,0	1,6	5,1		3,8	15,1
савдо ва умумий оватқатлаш соҳаси	20,0	25,8	42,4	137,7	103,9	186,7	404,0
моддий-техникавий таъминот ва сотув		0,4	0,7	2,3	32,7	24,8	6,8
кичик ва ўрта корхоналар		102,4	167,9	545,4	230,0	226,3	1 620,8
бошқа секторлар	32,0	178,5	292,8	951,1	3 142,7	2 691,9	2 769,4
инвестиция			104,3	147,8	190,7	166,9	173,8
бошқа активлар	620,7	1 974,7	1 495,5	4 853,1	2 028,0	2 906,4	9 386,1
<b>II. Банк мажбуриятлари</b>	<b>1011,5</b>	<b>3 824,7</b>	<b>5 430,1</b>	<b>18 659,1</b>	<b>25 607,9</b>	<b>51 430,7</b>	<b>48 209,1</b>
ҳисмоний шахслар							
депозитлари	0,01	4,4	11,7	23,1	54,8	136,2	506,4
юридик шахс депозит	102,8	1 078,9	687,1	1 012,8	1 219,7	1 972,1	2 820,2
бошқа мажбурият	474,6	1 424,0	3 179,5	1 3076,8	22 195,7	41 384,9	30 944,5
шу турдаги бошқа мажбуриятлар	434,0	1 317,3	1 551,7	4 546,4	2 137,7	7 937,4	13 938,0
<b>III. Акциядорлик капитали</b>	<b>19,7</b>	<b>926,8</b>	<b>724,3</b>	<b>1 136,0</b>	<b>1 598,2</b>	<b>3 293,1</b>	<b>4 753,8</b>
устак капитали	14,0	50,7	154,8	303,0	444,5	1 200,0	1 624,5
банкнинг соф фойдаси		459,4	293,6	230,1	381,0	1 072,4	1 020,0
бошқалар	5,7	416,7	275,9	602,9	772,7	1 020,6	2 109,3
<b>IV. Умумий ахборот</b>							
Акциядор (сони)	35	598	858	773	1 111	1 191	2 100
Мижоз (киши)	1 124	4 606	6 687	9 305	12 583	16 531	23 709
Филиал (сони)	12	20	24	25	27	29	29
Ишловчи (киши)	160	561	718	834	821	960	1 044

Эслатма: Банкнинг 2000 йил якунига буйича фаолияти халқаро аудиторлик компанияси PRICEWATERHOUSECOOPERS томонидан аудитдан ўтказилмоқда.

## Мақсадимиз ягона



Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки даврда Юртимизнинг галла мустақиллигини таъминлаш олдимида турган асосий вазифалардан бири эканлигини таъкидлаган эдилар. Ўтган вақтда белгиланган вазифаларни амалга оширишда галлакор хўжалиқлар, республикамизда ҳам аниқ қабул қилувчи ва уни қайта ишловчи корхоналар ўртасида доимий узвий алоқа-

ларни йўлга қўйишда «Фаллабанк» вилоят филиали ва бўлимларининг хизмати катта бўлди.

Қаشقарда мамлакатимизнинг асосий галла этиштирувчи вилояти ҳисобланади. 2001 йилда вилоятда давлатга 330,5 минг тонна галла сотиши режалаштирилган бўлиб, ҳозир мўла ҳосил учун қизил тайёрлаш қўрилмоқда. Бугунгача галлакорларга 2188,6 миллион сўмлик бунак маблағлари тарқатилди.

Сара уруғ — мўла ҳосил гарови. Вилоятда уруғ тайёрлаш цехларини қўриб, ишга туширишда, уларни молиявий қўллаб-қувватлашда банк хиз-

мати алоҳидадир. Ўтган йилги Қарши, Қамани, Муборак ва Косон дон қабул қилиш корхоналари қошида уруғлик галла тайёрлаш цехларини қўриб ишга туширишда 65 миллион сўм миқдорда ўрта мудатли кредит ресурслари ажратилди. Ўтган йилда вилоят «Фаллабанк» филиали ва бўлимлари томонидан дон маҳсулотлари корхоналарига ишлаб чиқариш ишларини амалга ошириш учун 303 миллион сўмлик миқдордаги қисқа мудатли кредит ресурслари ажратилди.

Биз ҳиссасдорлар эришган ютуқларимизни банк билан ўзаро ҳамкорлигимизнинг натижа-



### Сўз — акциядорларга!

Хусусий корхонамиз 1995 йилги ҳисоб-рақамини «Фаллабанк»нинг Сурхондарё вилоят филиалида очиб, шундан бери у билан ҳамкорликда иш юритиб келмоқда. Асосий фаолиятимиз Музрабод туманидаги бугдой ва шולי этиштирувчи хўжалиқлардан давлат буортмаси буйича этиштирилган маҳсулотни қабул қилиб, уни қайта ишлаб, гуруч, ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иктисослашган.

## ХЎЖАЛИҚДА МИНИ БАНК



Утган йилги корхонамизда 951,3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, маҳсулот сотишдан тушган маблағ 778,6 миллион сўмни, соф фойда 62,3 миллион сўмни ташкил этди. Ушбу натижаларга эришишда «Фаллабанк»нинг ҳиссаси катта бўлди. Жумладан, корхонамиз банк билан ҳамкорликда иш олиб бориб, ўз техникасида галла ва шולי ҳосили ташиб олиш мақсадида, 26 миллион сўм миқдорда кредит маблағи олд ва замонавий, шу куннинг талабига жавоб берадиган техника сотиб олди.

Айни пайтда корхонамиз «Фаллабанк»нинг 824,5 минг сўмлик оқий акциясига эга. Ҳар йили дивиденд олиб келаямиз. Шу ҳисобига холимларни моддий рағбатлантириб, аҳолининг ун ва ун маҳсулот-

ларига бўлган талабини қондириш мақсадида бир кеча-кундузда 25 тонна миқдорда бугдойни қайта ишлайдиган тегирмон ишга туширилди. Ҳозирда у тўла қувват билан ишламоқда.

Бундан ташқари, Музрабод туман аҳолисининг тон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш мақсадида кичик тон заводи ишга туширилди. Бу корхонанинг банк билан ҳамкорликда иш олиб борилаётганлиги натижасида амалга оширилмоқда. Илгари корхона банкдан 55-60 км узокда жойлашганлиги сабабли бирмунча қийинчиликлар манжуд эди, ammo бу масала ҳам яқинда ўз ечимини топиб вилоят «Фаллабанк»нинг ташаббуси билан Музрабод туманидаги Ат-Термийнинг номидagi шוליқчилик ширкат хўжалиги марказида «Музрабод» минибанк бўлими очилиб, ишга туширилди. Ҳозир банк томонидан барча қулайликлар яратилган.

**Қурбон АМИРҚУЛОВ,**  
«Мехрот» хусусий  
дон қабул қилиш  
корхонаси бошлиғи.

Спортимиз ютуқлари

Кувончи оқса ҳақида ёни учун илҳом келишини кутини шарт эмас. Гўзал сатрлар ўз-ўзидан оқса ташаварида. Оқса оқсаи ортиндан хушбар эшитганимизда ҳам шундай бўлади. Ўзбекистон ўёлонларининг Америка Кўчма Штатларида туриб эришган галабаларидан кувонимиз қатъий ҳақиқат бўлиши айтинг. Хох шонининг, хох шонининг спортчиларимиз бутун дунёни лол қолдириганини рост.

Гап шундаки, бундан бир неча кун олдин Нурхон Нафасов бошчилигидаги каратэчиларимиз "Атланта кубоги" беллашувларида иштирок этиш учун АКШга йўл олишган эди. Бу мусобақа жаҳон Каратэ федерацияси таснифидати

«Атланта кубоги»: Ўзбек ўғлонлари — биринчи!

энг нуфузли турнир саналгани боис унда фақат махсус тасниф этилган кучли терма жамоалар қатнашади. Ана шу беллашувга Ўзбекистон спортчиларининг қақрилиши ҳам каратэчиларимиз қўлга киритаётган галабаларнинг халқор миқёсда яна бир қарра тан олинганидан далолатдир. 400 нафар спортчи татамига чиққан мусобақада вакилларимиз 8 та олтин, 4 та кумуш, 3 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Турнир ғолиблигига асосий давоғар бўлган АКШ ва Мексика жамоалари ҳам Ўзбек йигитлари олдида ип эша

олмай қолдилар. Ушбу катта галабага Отабек Қосимов, Илҳом Каримов, Санжар Носиров, Нодир Хўжаев, Санжар Каримов, Дамир Гумиров, Ренат Кутуев, Аъзам ва Фаррух Абдумавловлар жуда катта ҳисса қўшдилар. Музаффар спортчи ва мураббийларимиз Тошкент аэропортида карнай-сурнай садолари остида кутиб олдини. Зеро, улар бундан-да катта эҳтиромга лойиқ.

Озод РАЖАБОВ, Аббос ОРИПОВ, "Халқ сўзи" мухбирлари.



«Бўстон» номи билан



Бўстон шаҳрида қад ростлаган билим уюми, нафақат Бўстон, балки Элиқалло тумани кўрғига кўрқ кўйди. 600 ўқувчи ва муҳажирларнинг мажмуи академик лицей замонавий ўқув дастурлари билан жиҳозланди. Айни пайтда бу ерда кунт билан билим олиш, турли тўғоракларга, спорт машғулотларига қатнашиш учун барча шароит мўҳай.

СУРАТЛАРДА: академик лицейдан лавҳалар. Р.ЖУМАНИЕЗОВ (Ў.А) олган суратлар.

Хорижда олинган диплом бизда ўтадимми?

Сизни қизиқтирган савол

Ўзбекистон мустақилликнинг ойдин йўлида далил қадамлар қўйиётганини бутун дунё эътироф этмоқда. Табиийки, юртимиз бу даражага жадон ҳамжамиятга кириб бориш, инсоният қўлга киритган ютуқлардан фойдаланиш эвазига эриштилти. Шу маънода мамлакатимиз ёшларнинг дунёдаги турли ўқув юртиларида таълим олишга аҳд қилганликлари табиийдир. Хўш, бошқа мамлакатда ўқиб, Ўзбекистонда танланган мутахассислик бўйича ишлаш мумкинми? Яъни, хориж дипломи бизда ҳам тан олинди-ми? Бу саволга қисқа қилиб «Ҳа, тан олинди» деб жавоб қилиш мумкин. Лекин, бу сўз масалага тўла ойдинлик киритмайди. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибидagi Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасида бўлиб, мазкур саволга жавоб излади.

Авало, шунинг айтиш кераки, бу ўринда бошқа мамлакатда олинган ҳужжатларга шубҳа билан қараш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Хар бир мустақил давлатнинг ўз тартиб-қоидалари бўлгани каби, Ўзбекистоннинг ҳам бу масалада ўз таъминоти бор. Жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланганидек, республикада мутахассислар тайёрлаш ҳосидидаги ҳамкорликнинг халқор-хуқуқий базаси вужудга келтирилиши, таълим тўғрисидаги миллий ҳужжатлар халқор миқёсда эътироф этилиши учун асос яратилиши лозим.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини аъзо мамлакатларнинг ҳукумат бошлиқлари низолаган «Таълим ҳосидида ҳамкорлик» қўйилган қўйилган сўзга давлатларнинг Ўзбекистон фуқароларига берган таълим тўғрисидаги ҳужжатлар, илмий унвон аттестацияларини тан олиш масаласи хар бир мамлакатни бошқа мамлакат билан ўзаро битими орқали ҳал қилинишига келишилган. Бундан ташқари, давлатларнинг уларда берилган таълим, илмий даража ва унвонлар тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва эквивалентлигини қайд қилиш учун

лентини қайд қилиш учун хар бир давлат ўзининг ваколатли органларини аниқлашти таъкидлаган. Масалан, Россия Федерациясида бу ишларни бажараси умумий ва касб-ҳунар таълими вазирлигига топширилган. Ўзбекистон Республикасида эса Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-Қарори асосан хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги 1992 йил 1 январдан сўнг берилган ҳужжатларини тан олиш ва уларни нострификациялаш вазифаси Бошқармага юклатилган. Бундан асосий мақсад хорижда таълим олган шахсларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини расмийлантириш ва шу орқали уларга мутахассислиги бўйича ишлаш учун шароит яратиш беришидир.

Мустақил давлатлар шарафати билан Ўзбекистон ёшлари хорижий давлатларда таълим олиш имконини таъминлашга эга бўлиши. Ўзбекистон Республикаси ташкилот ва корхоналарида хорижий давлатлар ўқув юртилари 1992 йилдан сўнг таълим олиш ҳозирги пайтда ишлаб келаётганлар сонини бир неча мингга ташкил қилади. «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги Низома» асосан хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг тан олинishi учун Ўзбекистон Республикаси билан ҳужжат берилган хорижий давлат ўртасида тузилган давлатлараро битимида у қўлга тутилган бўлиши зарур (кооперация ёки мақсадли ўқитиш йўли билан олинган таълим бу билан мустақил).

Хорижий давлатларда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг эквивалентлигини қайд этишга қўйилган ҳуқуқ қарор ҳужжатнинг эгасига махсус гувоҳнома бериш тўғрисида тегишли буйруқ чиқаришга асос бўлиб хизмат қилади. Ҳужжат эгасининг маълумот тўғрисидаги ҳужжати гувоҳнома билан биргаликда тақдим этилганда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқиди қўнуний кучга эга бўлади. Шунинг таъкидлаш жоизки, кооперация ёки мақсадли ўқитиш («Умид» жағмараси тасвииси ёки давлатларо битимлар орқали) асосида ўқиб келган мутахассисларни хорижий давлатларда олган таълим ҳужжатларини тан олиш ва нострификациялаш тўғрисидаги ҳужжатнинг эгасига мақсадли ўқитиш йўли билан олинган таълим бу билан мустақил.

Хозирги кунгача хорижий давлатларда кооперация ва мақсадли ўқитиш асосида ўқиб келган 100 га яқин мутахассислар биринчилик қаторида махсус гувоҳномаларни олганлар.

Бошқарманинг нострификация гуруҳи Мустақиллик — майдони 5, 12-қават 01 хонада жойлашган (муражаат учун тел.: 139-19-32).

Ш. ЖАББОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Саломатлик сабоқлари

Қадр ва руҳ кўзгуси

Офтальмология — тиббиётнинг энг тез ривожланётган соҳаларидан биридир. Ўзбекистонда, дан ва унинг амалиёти ривожини қандай даражада? Ушбу саволга жавоб излаб, биз ўзбек-америка қўшма корхонаси «Стерлинг медицина групп, ЛДП»нинг шахобаси бўлган ва Республика офтальмология клиник шифохонаси ҳудудида жойлашган «Кристалл» офтальмология клиниксига йўл олдик. Ҳудди шу клиникада аҳоли ўртасида кенг тарқалган катаракта ва глаукома касалликларини даволаш усуллари, умуман, бу касалликлардан сақланиш учун хар биримиз билишимиз зарур бўлган чора-тадбирлар тўғрисида бугун ва кейинги сонларда ҳикоя қиламоқчимиз.

1. «Кристалл» кўзни очади

Ушбу клиника тарихи Ўзбекистонга Американинг забардаст офтальмологларидан бири Жон Пайкнинг ташрифидан бошланди. У офтальмологик ташкилотлар фаолияти билан танишди, янги усулларида операциялар ўтказди. Унинг республикамизга ташрифидан «Business resources inc» (BRI) фирмаси уюштирди ва худди шу фирма мамлакатимизнинг бир гуруҳ офтальмологларини Америкага амалиёт ўтказишга таклиф этди. Гуруҳда республика офтальмология шифохонасининг бош ҳакими Клара Саидовна Валиева, таниқли офтальмологлар Розия Нурмухаммедовна Алиева ва Ботир Абдунабиевич Калонхўжаевлар бор эди. Бу сафар 1997 йилда кўз берди. Ушунда бизнинг офтальмологларимиз катарактни (хиралашган кўз гавҳарини) операция қилишнинг факомульсификация деб аталган янги усуллари билан бирини ўзлаштира бошлаган эдилар. Ушбу жарроҳликнинг афзаллигини шарҳлаш учун, орқага бир назар ташлаб, бу янги усул амалиётда илгари мавжуд қандай усуллари рад этиш эвазига жорий этилганлиги ҳақида таллаш зарурлигини туғдилади. 50-йилларда хиралашган кўз гавҳарини олиб ташлашди. Беморнинг кўриш қобилияти бундай ҳолатда анча чекланиб қолар, у бутун умр +10, +12 ўлчамдаги кўз ойнак тақишга мажбур эди.

Бирок бу жарроҳлик (у ҳозир ҳам кенг қўлланилмоқда) кўза жиддий жароҳат эъказди. Кўз ичи узунсига 8-10 миллиметр га ёриб кесилди, гавҳар олиб ташланган ва янги, сунъий гавҳар қўйилди, кейин кесилган жой тикилди. Жароҳатланган кўз аста-секин ўзига келди, сезилари мудаат соғайиш жараёнини бошдан кечирди. Кейин бемор яна бир орғиқ азобини бошдан кечириб, иплар олиб ташланди.

Хозирги кунда факомульсификация операцияси унчалик жароҳатли эмас, кесил

тирилади. У ердан бош миёга сигнал боради, миё стереоскоп кўришни шакллантиради. Кўз гавҳарининг хиралашуви кўришни сустлаштиради. Атар хиралашув бутун гавҳарни эгалласа, инсон кўр бўлиб қолади. Факомульсификация — хиралашган кўз гавҳарини махсус, кўзни аяб-асровчи усуллари, сунъий гавҳар билан алмаштиришдир. Кўзнинг мўзгу пардаси 2-3 миллиметр кесилиб кўз ичига микрокусуналар киритилади, уларнинг ёрдамида паст частотали ультратовуш воситасида касалланган кўз гавҳари майдаланган ҳал бўлиб ўрнига сунъий кўз гавҳари қўйилади. Операция шу қадар сезилар-сезилмас жароҳатлики, бемор ундан кейин дарров ўйига беравериши мумкин. Биз унга ўзи билан олиб кетиб, даволаниши давом эттирилган махсус томиги берами. Бундай операция беморларнинг қисқа фурсатда тўла-тўқис соғайиб кетишига имкон беради. Беморларнинг ижтимоий муаммоси ҳам осон ҳал бўлади, операциядан кейинги касаллик варақиси мудапти, шифоқорга қатнаш ташвишлари қамаяди.

Хозирги кунда бу — катаракта касаллигида энг илғор тирилади. У ердан бош миёга сигнал боради, миё стереоскоп кўришни шакллантиради. Кўз гавҳарининг хиралашуви кўришни сустлаштиради. Атар хиралашув бутун гавҳарни эгалласа, инсон кўр бўлиб қолади. Факомульсификация — хиралашган кўз гавҳарини махсус, кўзни аяб-асровчи усуллари, сунъий гавҳар билан алмаштиришдир. Кўзнинг мўзгу пардаси 2-3 миллиметр кесилиб кўз ичига микрокусуналар киритилади, уларнинг ёрдамида паст частотали ультратовуш воситасида касалланган кўз гавҳари майдаланган ҳал бўлиб ўрнига сунъий кўз гавҳари қўйилади. Операция шу қадар сезилар-сезилмас жароҳатлики, бемор ундан кейин дарров ўйига беравериши мумкин. Биз унга ўзи билан олиб кетиб, даволаниши давом эттирилган махсус томиги берами. Бундай операция беморларнинг қисқа фурсатда тўла-тўқис соғайиб кетишига имкон беради. Беморларнинг ижтимоий муаммоси ҳам осон ҳал бўлади, операциядан кейинги касаллик варақиси мудапти, шифоқорга қатнаш ташвишлари қамаяди.



узунлиги катта ҳажмда бўлмайди, уни мутлақо орғиқсиз ўтказиш кафолатланган, амбулатори шариоитида атғи 10-30 дақиқа ичида бажарилди. Операциядан кейинқ кўриш қобилияти 60-70 фоизга тикланди, клиник даволанишдан кейин эса бу фоиз янада ошди. Бемор 7-10 кун ичида соғайиб кетди. Бу операциянинг моҳияти тўғрисида сўзлаб беришни биз ушбу операция усулини АКШда биринчилардан бўлиб ўзлаштириб келган Ботир КАЛОНХЎЖАЕВдан сўрадик.

Кўз гавҳари кўза оптик линза вазифасини бажаради. Қорачиқ орқали ташқи тасвир кўзнинг тўр пардасига йўнал

жарроҳлик усули. Тўғри, илмий изланишлар давом этяпти, бирок кўз қорачиқини кесмасдан, хиралашган кўз гавҳарини олиб ташлаш усули ҳали топилгани йўқ. Лекин илм-фан изланимоқда. Лазер ёрдамида катарактдан қутулиш усули бор-ку, деб менга эътироз билдиришлари мумкин. Бу, энди кўз катаракта билан иккинчи марта касалланганда қўлланиладиган усул. Шифоқорлар сунъий гавҳар жойлаштирилган капсулада юз берадиган фиброз ҳолатини шундай аташади. Тананинг табиий реакцияси таъсирида фиброз ҳолати рўй бериб, сунъий кўз гавҳарининг айрим қисм-

ларни хиралашди. Бундай пайтда лазер ёрдамида қорачиқда «тешикча» ҳосил қилиниб, кўз ичига ёрултиқнинг ўтиши таъминланди. Беморнинг хиралашган кўз гавҳарини қандай хилдаги сунъий кўриш гавҳарига алмаштириш — муҳим масала. Биз «Кристалл»да фақат хориждан олинган кўзнинг сунъий гавҳарларидан фойдаланамиз. Улар икколданги вазифани бажаради. Биринчидан, кўз гавҳарининг тўла ўрнини босади. Иккинчидан, кўзни ультратовуш нурлар таъсиридан ҳимоя қилади. Чунки бундай таъсир кўзнинг тўр пардасига зарарлидир. Махсус тозаловчи филтёр қўлам билан жиҳозланган сунъий кўз гавҳари ундан нурни кўз тўр пардасига ўтказмайди. Шунинг айтиш керакки, Американинг BRI фирмаси «Кристалл»ни барча зарур жиҳозлар билан таъминлади ва сарф-харажатларини ўз зиммасига олди. Клиникадаги ташхис, даволлаш ва жарроҳлик жиҳозларининг барчаси дунёга машҳур «Storz» фирмасидан келтирилган. «Кристалл»да ишлаётган офтальмологлар АКШ клиникларида мунтазам равишда мадақа ошириб келинаёти. Утган йили Тошкентга келган америкалик мутахассислар «Кристалл» офтальмологлари кўзни кичик ҳажмда кесиб жарроҳлик қилиш усуллариини мукамал ўзлаштирилганликларини эътироф этишди. Бугунга келиб, ушбу кўшма корхона директори Рустам МАВЛОНОВ айтганидай, бундай жарроҳлик натижалари ишончли кафолатланган ва беморларга аъло даражадаги хизмат қўрсатилмоқда. Унинг яна айтишича, «Кристалл»да тез орада офтальмологик соҳадан ташқари тиббиётнинг бошқа соҳалари бўйича ҳам намунали хизмат йўлга қўйилди, бу ерда энг янги тиббий технологиялар ва жиҳозлар жорий этилади. Жумладан, айни кунларда офтальмологлар трансплантология (орган ва тўқималарни қўчириб ўтказиш) жаҳонда ирриб бир муаммони ҳал этиш устида қизғин иш олиб бормоқдалар. Бу хиралашган кўз қорачиқини жарроҳлик йўли билан алмаштиришдир. Бундай жарроҳликка ҳозирча республикамизда киришилгани йўқ, Бироқ, бу — режа, мақсад. Эъту ният.

Михли САФАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Муносабат, мулоҳаза, таклиф

Йигитнинг қаноти» деган нақли эслашнинг ўзи kif. От минмаган эркаклар унинг қадрини қаердан билсин, деб ёзган шoirнинг куюнишида ҳам асос

миқёсидаги мусобақаларда мувафқиятли қатнаша бошладилар. Бу — асрий анъаналар қайта тикланаётганидан дарак эди.

дорлари ҳам бор. Шунга қараман, беллашувга пухта тайёрларик қўрган йигитларимиз шоҳсуланинг биринчи поғонасидан ўрин олиш-

Т — ЙИГИТНИНГ ЙЎЛДОШИ

бордир балки. Бинобарин, бир пайтлар юртимиз чавандозларининг довриги оламга ёйилган эди. Кўпгина нуфузли мусобақаларда гойиб Мамажон Исмаилов ёки Олимпиада чемпиони, маҳоратли чавандозимиз Юрий Ковшовкин ким танимайди дейсиз? Мустақилликка эришганимиздан сўнг бу борда салмоқли қадимлар қўйилди. Тошкент «Отчолар» и негизида халқ уйинлари ва миллий спорт турлари марказининг ташкил этилиши ўз самарасини берди. Чавандозларимиз аста-секин дунё

Наврўз айёми арафасида Ҳиндустондан қувончи хабар келди. Ушбу давлатда бўлиб ўтган халқор мусобақада республикамиз чавандозлари нисмаларга қодирлигини намойиш этидилар. Терма жамоамиз бош мураббийи Иброҳим Йўлдошев шундай эълоиди: — Дехи шаҳридаги Ганди стадиони. Минглаб мухлислар қайси юрт вакиллари гойиб чиқаркин, деган ҳаяжонда ўтиришибди. Рақиблар ҳам анойи эмас. 12 та иштирокчи жамоалар орасида АКШ, Англия, Филиппин, Гонконг каби ном

ди. 5 та олтин ва 1 та кумуш медал қўлга киритилди. Айниқса, Й.Йўлдошев, А.Раҳматуллоев, С.Шатилловларнинг қиқиллари томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Шу ўринда жойлардаги отчоларларнинг қўнчилиги ўз ҳолига ташлаб қўйилганини айтмасдан иложим йўқ. Жиззах ва Тошкент вилоятларида от заводлари ўз фаолиятларини тўхтатиб қўйгани жуда ачинади. Унқур отеиз чавандозини тасаввур қилиш мумкинми, ахир. Зотдор отлар эса айнан шундай жойларда етиштирилиши керак. Соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолардан яна бири — республикамизда от спорти мактабларининг жуда озлиги. Борларнинг ҳам (жамми 4 та) фаолияти ҳаминқадар. Хуллас, бу боралдаги муаммоларни жиддий ўйлаб кўриш вақти келди, деб ўйлайман.



СУРАТДА: ғолибларни тақдирлаш маросимидан лавҳа. Дехли.

От — йигитнинг қаноти, дедик. Поштаимизнинг қоқ марказида соҳибқирон Амир Темурнинг учқур тулпорда шжоат-ла турини ҳам сўзимизни исботлаётгандай...

Зиёвуддин ЗАЙНИДДИНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Навоий вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Баҳодир Собировга падари бузуқворлари БОЙЎЛАТ отанинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

Ўзбекистон Фанлар академияси ядро физикаси институтини жамоаси катта илмий ходим Бузрук АКАБЕРОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига тазия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамяят қурилиши академияси раҳбарияти ва жамоаси бош муҳосиб Башорат Умаровга онаси Назоқат НИЕЗОВАнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Навоий давлат педагогика институтини проректори Баҳтиёр Собировга падари бузуқворлари БОЙЎЛАТ отанинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Навоий давлат педагогика институтини проректори Баҳтиёр Собировга падари бузуқворлари БОЙЎЛАТ отанинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИДОНОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, Р. САФАРОВ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙИПЕРТЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сўсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60; 133-07-48
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Йилликлар ва халқор ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълолар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 2115, 32212 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базисида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ. Навбатчи — Э. МАВЛОНОВ. Муасхххх — О. АБДУҲАМИДОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 21.00. 1 2 3 4 5 6